

ТЕРРОРИЗМ, ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛЛАШУВГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Пардаев Раҳмиддин Нуруллаевич

ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси, подполковник.

Аннотация: Ушбу мақолада XXI асрда инсоният учун энг катта ҳавф тугдираётган муаммоларидан бири бўлган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги, ҳуқуқий асослари, бу борада Ўзбекистоннинг ҳалқаро ҳамжамият билан ҳамкорлиги, хорижий давлатларнинг тажрибалари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Экстремизм, терроризм, миллий қонунчилик, экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, принциплар, ҳалқаро ҳуқуқ, ёшларга таъсири, жавобгарлик, ҳуқуқ, стратегик ҳамкорлик, минтақа, вазият, инсоният.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён, инсонпарвар ҳуқуқий, демократик жамият барпо этиш, иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларни ривожлантириш, ҳалқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида стратегик ҳамкорлик қилиш ва бошқа барча соҳаларда самарали ривожланиб, дунё мамлакатлари қаторида ўз ўрнига эга бўлди. Бугунги кунда ҳавфсизликни таъминлаш, иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларни янада изчил ривожлантириш бўйича Миллий стратегиялар ва Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, тараққиётнинг ўзига хос йўлини босиб ўтмоқда. Ўтган давр мобайнида, бошқа ривожланаётган мамлакатлар сингари давлат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига, кўп миллатли ҳалқлар орасига раҳна солувчи, фуқароларнинг Коституциявий ҳуқуқ ва эркинларини паймол қилувчи ҳамда жамоат тартиби ва жамоат ҳавфсизлигига таҳдид солувчи айниқса, ёшларни ўзининг ёлғон ғояларига эргаштирувчи экстремизм ва терроризмнинг ёвуз курали ҳамда унинг ғоявий таъсирига дуч келди. Ҳозирда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда самарали қарши кураш олиб бораётган бўлсада, унинг таҳдиди тўлиқ бартараф этилганича йўқ.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида", "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон

Республикаси Прокуратураси тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Тезкор кидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ўзбек ва хорижий далаатлар олимларининг тадқиқот ишларида таъкидлаб ўтилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Бугун тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига кўра, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва истикбол мақсадларни қўйиши ҳамда уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди. Давлатимиз ҳам бугун ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди, десак, муболаға бўлмайди. Биз бугун халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этар эканмиз аввало мазкур мақсад йўлида давлат ва жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли демократик ислохотларни жадал амалга оширмоғимиз, демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини сўзсиз таъминлаш билан бир қаторда инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлган тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга энг муҳим вазифа сифатида аҳамият қаратмоқ лозим.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2023-йилнинг 14-июль куни инаугурация маросимида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Жаҳон миқёсида бир тарихий давр ниҳоясига етмоқда. Айни вақтда олдиндан таҳлил қилиб бўлмайдиган жараёнлардан иборат ўта мураккаб янги бир давр бошланмоқда” Дарҳақиқат, президент бу муаммога ўзларининг жуда кўп чиқишларида тўхталиб, минтақамиз ва дунёдаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Миллий хавфсизлигимиз, тинч ва осойишта ҳаётимизга нисбатан таҳдид ва хатарлар кучаймоқда. Шу боис ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва бирдамлигимизни мустаҳкамлаш, ҳар қандай таҳдидларга муносиб жавоб беришга тайёр бўлиб яшаш ҳаётнинг ўткир заруриятига айланмоқда¹¹⁸”-деб таъкидлайдилар. Шунини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керакки замонавий фан-технология ривожини инсониятни эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилишига йўналтирилаётган бир вақтда, виртуал оламда ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётган ёвуз кучларнинг борлиги, давлатларнинг тинчилик низомини бузиш йўлида турли хил босқинчиликларни амалга ошираётганлиги, айниқса ёш авлод онгига турли ёт ва ғаразли ғояларни сингдирилаётганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бунга

¹¹⁸ Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022. – B. 253.

қарши ҳар бир мамлакат ўз келажаги ушун ўзи қайғуриши, “ёш авлоднинг онгини салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, адашганларни тўғри йўлга қайтариш ўзини ватанпарвар деб ҳисоблайдиган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, айниқса ёшларнинг асосий бурчи бўлиб қолиши¹¹⁹” бугунги куннинг заруратига айланган. Шунинг учун ҳам юртбошимиз таъкидлаётганларидек-...мана шундай оғир ва таҳликали вазиятда халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни – самарали ички ва ташқи сиёсат йўлини аниқ белгилаб олишимиз ва уни қатъий амалга ошириш лозим.

Дарҳақиқат, янги аср бошида инсоният янгича таҳдидларга дуч келиб, уларга қарши курашнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Хусусан, бевосита инсоният ҳаётига таҳдид солаётган терроризм, экстремизм ва радикаллашув жараёнларининг кучайиши уларга қарши курашнинг янгича технологияларини яратиш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда ёшларга ўзига ҳос мафкуравий иммунитетни қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Экстремизм ва терроризм XXI асрга келиб ўзининг барча кўринишларида инсониятга энг хавfli муаммолардан бирига айланди. Терроризм мамлакат миллий хавфсизлигига реал таҳдид солади. Одам ўғирлаш, гаровга олиш, самолётларни олиб қочиш, бомба портлашлари, этник-конфессионал низолардаги зўравонлик ҳаракатлари, уларни амалга оширишнинг бевосита таҳдидлари ва бошқалар. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш муаммоси давлат даражасида хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон қонунчилиги, халқаро қонунчилик каби, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва давлат тузилмаларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмнинг тарқалишига қарши курашни таъминлайдиган нормаларни ўз ичига олган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Терроризмга қарши курашиш тўғрисида", "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Тезкор кидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий стратегияни акс эттирувчи Ўзбекистон қонунчилигининг мавжуд тизими одатда терроризм ва

¹¹⁹ Mirziyoyev Sh. Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi. To‘ldirilgan ikkinchi nashri. – Toshkent: O‘zbekiston, 2022. – B. 253.

экстремизмга қарши самарали курашиш имконини берадиган етарлича тўлиқ ҳуқуқий нормаларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 71-моддасига кўра, Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, ҳудудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари экстремистик ва террористик фаолиятга қарши курашишнинг ҳуқуқий таърифлари ва ташкилий асосларини ўз ичига олади. Хусусан, “терроризм” деганда зўравонлик мафқураси ва жамият онгига таъсир қилиш амалиёти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки халқаро ташкилотлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши тушунилади.

Экстремизмга қарши курашишнинг принциплари:

- қонунийлик;
- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- ошкоралик;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади.

Экстремизм (лот. *extremus* - ўта, кески) деганда – бир киши ёки кишилар гуруҳининг сиёсат, дин, ғасафа, фан, иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кескин қарашлар ёки фаолиятини англатади.

Экстремизмнинг сиёсий ва диний кўринишлари яққол ажралиб туради. Сиёсий экстремизм намояндалари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулларида фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор фаолият юритишини бузиш ва йўқотишга ҳаракат қилади. Бу йўлда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар, қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга уринадилар, одамларни гижгжлайдилар, террор қилиш усулидан фойдаланадилар. Экстремистик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар қандай мурса ва келишувни рад этадилар ҳамда ўзига тобеларни ўз буйруқ ва кўрсатмаларини кўр-кўрона бажаришга мажбур этадилар.

Сиёсий экстремизмнинг миллатчилик кўриниши турли миллат ва этник гуруҳлар ҳуқуқини инкор этишда намоён бўлади.

Миллатчи экстремистлар фаолияти сепаратизм билан боғлиқ бўлиб, кўп миллатли давлатларни йўқотиш, туб миллат ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилади. Бундай Экстремизм миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ва халқлар ўртасида можаролар чиқишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда экстремистик характерда бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган. Унда виждон эркинлиги, дин эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишни ўз ичига олувчи маъмурий жавобгарлик турлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексда сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват ёки ҳар қандай ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ёки адоват асосидаги жиноятларни содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексда экстремистик характерга эга бўлган жиноятларнинг турлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Жиноят кодексининг 244¹-моддасида (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоёиш этиш) 244²-моддасида (Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш) 156-моддасида (Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш) ҳамда террористик характердаги 150-153, 155, 159-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлик учун умрбод озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазолар белгиланган.

Ҳозирги вақтда экстремизм ва терроризм Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига ҳақиқий таҳдиддир. Экстремизм ҳар қандай жамиятни, ҳатто энг барқарор ва фаровон жамиятни ҳам издан чиқариши мумкин бўлган фавқулодда катта хавфдир. Жамоатчилик муҳитида экстремистик ва террористик кўринишларга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири уларнинг олдини олишдир. Айниқса, ёшлар ўртасида бундай профилактик ишларини олиб бориш жуда муҳим, чунки айнан ёш авлод турли хил омиллар таъсирида турли ғайриижтимоий ва жиноий гуруҳларнинг салбий таъсирига энг кўп тушади ва шу сабабли ёшлар орасида радикал ғоялар кенг тарқалмоқда.

Турли экстремистик гуруҳлар етакчилари ёшларни ўз сафларига жалб этиб, кўпинча уларга барча муаммоларни, жумладан, моддий муаммоларни ҳам осон ҳал қилишни ваъда қилмоқда. Уларнинг таъсирига тушган ёшлар бундай тузилмалар фаолиятида иштирок этиб, нафақат ўзларининг мавжуд муаммоларини ҳал этмасликлари, балки

ўзлари учун кўплаб янги муаммоларни яратишлари, келажагини йўқ қилишлари ҳақида кўпинча хаёлига ҳам келтирмайдилар.

Албатта, бундай ҳодисалар оқибатларини бартараф этишдан кўра, ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш анча фойдали ҳисобланади. Хусусан, ёшлар ўртасида радикал қарашларни камайтиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни таклиф қилишимиз мумкин:

Биринчидан, ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш. Бунга, хусусан, тарбия ва таълим соҳасидаги ҳуқуқий компонентни сезиларли даражада кенгайтириш ёрдам бериши мумкин. Ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билиш ўсиб келаётган авлодда бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жумладан, уларнинг ҳаёти, саломатлиги ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш туйғусини шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, ёшларни миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, барча инсонларга бағрикенг дунёқараш, бағрикенглик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш. Бу диний, миллий ва ижтимоий экстремизмнинг турли кўринишларига қарши туришга ёрдам беради.

Учинчидан, ёшларнинг бўш вақтини ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш масалаларини такомиллаштириш. Хусусан, клублар, маданият марказлари, кинотеатрлар, музейлар ва бошқа ижтимоий-маданий муассасаларнинг нафақат йирик шаҳарларда, балки энг кичик аҳоли пунктларида ҳам фаол фаолият юритишини таъминлаши зарур. Шунингдек, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, спорт ва жисмоний тарбияни янада фаолроқ тарғиб қилиш зарур.

Тўртинчидан, ёшларнинг ижтимоий ва моддий таъминоти даражасини ошириш, ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, ёшларни уй-жой билан таъминлаш дастурларини қўллаб-қувватлаш. Бу чора-тадбирлар ёшларга давлат томонидан улар ҳақида қайғураётганини, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўйишнинг ҳожати йўқлигини англашга ёрдам беради.

Интернет сўнги пайтларда террорчиларнинг ёшларга оммавий ахборот таъсирининг энг самарали воситасига айланди. Бунга жиноятчилар интернет тармоғининг оммалашган ёшлар аудиториясига осон кириши, аноним алоқа қилиши, глобал тарқатиш, ахборот узатишнинг юқори тезлиги, арзонлиги ва фойдаланиш қулайлиги имкониятлари сабаб бўлди.

Террорчи ташкилотлар ёшлар орасидан ўз сафига янги аъзолар, жумладан, худкуш-террорчиларни жалб қилиш учун уларни аввал радикал ғояга, кейин эса ноқонуний фаолиятга жалб қилмоқда. Ҳозирги вақтда интернетда экстремистик ва террористик усуллардан фойдаланадиган деярли барча турдаги ташкилотларнинг сайтлар сони етти

мингдан ошади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 60 га яқин қарорлари чиқарилиб, уларга мувофиқ 500 дан ортиқ контент радикал мазмунда деб топилган ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш, сақлаш, олиб кириш ва намойиш этиш тақиқланган.

Кейинги йилларда ёшларни ўз фаолиятига жалб этувчи бир қатор экстремистик оқимлар кучаймоқда. Сўнгги беш йилдаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, жиний фаолияти тўхтатилган ҳар беш нафардан тўрт нафари 30 ёшдан ошмаган. Ҳозирги вақтда экстремистик ташкилотлар (гуруҳлар) аъзоларининг асосий қисмини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Жиноят субъектлари асосан эркаклардир, лекин баъзида қизлар ҳам ёшлар билан бир қаторда ёшларнинг экстремистик гуруҳларига аъзо бўлиб қолишади. Қайд этилишича, террорчилик ҳаракатларини амалга оширувчи жиний гуруҳларга аъзо бўлган ёшлар айнан бир қатор ижтимоий-психологик, физиологик ва демографик хусусиятларига кўра мафкуравий таъсирга кўпроқ мойил бўлган ёшлар ташкил этади.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда ёшларда вайронкор ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш керак.

- терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ахборот-таҳлилий ва тарқатма материалларни (барча турдаги брошюралар, китоблар, мурожаатлар, плакатлар, ижтимоий реклама, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти тўғрисида ҳолис нашрлар чиқариш, ташкил этиш тематик ҳужжатли фильмлар ва видеолар ва бошқалар) кенг қамровда тарқатиш;

- тарғибот ва ташвиқотни қўллаб-қувватлаш (ушбу соҳадаги фаолият натижалари тўғрисида объектив маълумотларни ўз вақтида етказиш);

- қарама-қарши ташвиқот (дезинформатсия, жиний фаолиятини тўхтатган жиний гуруҳ раҳбарларининг нутқлари, баёнотларига адекват ва ўз вақтида жавоб бериш);

- ғоявий (диний ва миллатлараро бағрикенглик, ватанпарварлик, соғлом турмуш тарзи, умуминсоний қадриятларнинг устувор йўналишлари ва бошқаларни шакллантириш);

- ташкилий (жамоат ва диний бирлашмаларнинг анъанавий конструктив, шу жумладан терроризмга қарши курашиш йўналишидаги фаолиятини рағбатлантириш);

- оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, (конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари, аксилтеррор характердаги энг яхши материаллар танловлари ва бошқалар);

- таълим йўналиши (ахборот терроризмга қарши курашиш соҳасида мутахассисларни, шу жумладан фуқароларни тайёрлаш тизимини яратиш).

Интернет тармоғида экстремизм ва терроризм мафкурасини фаол тарғиб қилувчи, аҳолини экстремистик ва террористик жиноятлар содир этиш чақириқларни ўз ичига олган экстремистик ва террористик сайтларни мониторинг қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича профилактика ишларини олиб бориш алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бугунги кунда экстремизмга қарши курашишнинг асосий ва энг муҳим йўналишларидан бири бу экстремистик кўринишларга қарши курашиш, олдини олиш - тушунтириш ва профилактик ишларидир. Бу айниқса, ёш авлод ва турли табиат ва эътиқоддаги жамоат бирлашмалари орасида долзарб ва муҳим. Экстремистик кўринишларга қарши самарали курашиш, уларни юзага келтирувчи сабабларни бартараф этиш ва экстремистик фаолиятни амалга оширишга кўмаклашувчи омилларни бартараф этиш бўйича мақсадли ишларни олиб бормасдан туриб мумкин эмас.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда экстремизм ва терроризмга қарши курашда аҳолини, айниқса, ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши йўналтирилган комплекс илмий тадқиқотлар ва китоблар тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда бағрикенглик ғояси ва тинчликни мустаҳкамлаш масаласини илгари суриш орқали Ислом динининг асл мазмун-моҳияти юзасидан семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Шундагина юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва бағрикенглик муҳитини асраш ва уни келажак авлодаларга ҳам етказиш имконига эга бўламиз.